ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00291

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ИЛМ-ФАН СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

Бурхон Бўронович Жаҳонгиров
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети доценти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда илм-фаннинг ривожланиши омиллари ҳақида сўз юритилиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва илмий-тадқиқот институтлари, Олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказларнинг фаолияти, улар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган норматив – ҳуқуқий хужжатларнинг қабул қилиниши ва унинг ижроси ҳақида маълумотлар келтирилган. Ўзбекистоннинг – хорижий мамлакатлар билан илмий-техникавий алоқалари натижасида илм-фанни ривожлантириш борасида тузилган шартномалар ва илмий лойиҳалар асосида фаолият олиб бориши, ҳамкорликда бажарилган лойиҳалар негизида конференция ва илмий семинарлар ўтказиш, ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорликда илмий кадрлар тайёрлаш, келажакда ҳамкорликда ўзаро манфаатли илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Президент, Фармон, қарор, Фанлар академияси, илмий марказлар университет, институт, лицей, илмий салоҳият, илм-фан, илмий-тадқиқот, илмий ҳамкорлик, халқаро алоқа, шартнома, конференция, илмий семинар.

SCIENTIFIC COOPERATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND FOREIGN COUNTRIES

Burkhon Buronovich Jahongirov
Associate Professor of the Uzbek State University of Physical Culture and Sports

ABSTRACT

This article discusses the factors of development of science in Uzbekistan, the activities of the Academy of Sciences and research institutes, higher education institutions and research centers of the Republic of Uzbekistan, the adoption and implementation of regulations to improve their activities. Acting on the basis of agreements and scientific projects on the development of science as a result of

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00291

scientific and technological relations between Uzbekistan and foreign countries, holding conferences and scientific seminars on the basis of joint projects, mutual exchange of experience, joint training of scientific personnel. research development issues have been explored.

Keywords: President, Decree, decision, Academy of Sciences, research centers university, institute, lyceum, scientific potential, science, research, scientific cooperation, international relations, agreement, conference, scientific seminar.

КИРИШ

Ўзбекистоннинг ўз миллий мустақиллигини қўлга киритиши жаҳон ҳамжамиятида уни мустақил субъект сифатида тан олинишига асос солди. Совет тузуми даврида Ўзбекистон халқаро майдонга тўғридан-тўғри ва очиқ чиқиш имкониятига эга эмасди. Мустақиллик ана шу чекланганликни бартараф этди. Мустақиллик йилларида давлатлараро ҳамкорликнинг янгича механизмлари ва шакллари қарор топди. Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига кириш механизмини ўрганиш ҳам ниҳоятда долзарбдир. Бу эса бир томондан кучли иқтисодий имкониятларни яратишни ҳамда миллий манфаатларни қондиришни таъминласа, иккинчи томондан бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликни ўрнатиш ва аста-секин кенгайтириб боришни таъминлайди. Мустақил Ўзбекистон барқарор ва жадал ривожланишининг ички ва ташқи ижобий омилларини тадқиқ этиш ва бу борада давлатлараро ҳамкорликнинг аҳамиятини очиб бериш алоҳида эътиборга моликдир. Барча соҳаларда бўлгани каби хорижий мамлакатлар билан илмий - техникавий соҳаларда ўрнатилган самарали ҳамкорликларни илмий жиҳатдан идрок этиш назарий - методологик нуқтаи –назардан ўта долзарб аҳамиятга эгадир. Зеро, мазкур масала ўзининг янгилиги туфайли ҳали у қадар жиддий илмий тадқиқ этилмаган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ушбу мавзуни тадқиқ этишда тарихийлик, объективлик, тарихий изчиллик тамойилларидан фойдаланилди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида маданий, илмий - техникавий ҳамкорлик масалалари доирасида Ўзбекистон Давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси жорий архиви, Олий таълим муассасалари жорий архиви фондлари материаллари, Нуриддинов Э, Қирғизбоев А, Мишарев Д, Васиева Д ва бошқлар номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. [1,2,3,4] Ушбу тадқиқотларда Ўзбекистоннинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00291

мустақиллик йилларида хорижий давлатлар олий таълим муассасалари ва илмий - тадқиқот марказлари билан иқтисодий, маданий, илмий - техникавий алоқалари ўз аксини топган.

НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси,Олий таълим муассасалари ва илмий марказлари хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий текшириш институтлари ва олий ўқув юртлари билан илм-фан соҳасида ҳамкорлик ишларини тўғри йўлга қўйиб, бу борада бир қанча ютуқларга эришдилар. “Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш, - деганди биринчи Президентимиз Ислом Каримов,- давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийнчиликларини бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир”. [5]

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1992 йил 20 июлда “Давлат томонидан фанни қўллаб-қувватлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари” тўғрисидаги буйруғи қабул қилинди. Унда энг аввало илм-фанда хорижий алоқалалар бўйича ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқилиши ва унинг ҳар икки томонга тенг фойда бериши, манфаатлар уйғунлигига эътибор қаратилиши кераклиги таъкидланган. Бу имкониятлардан келиб чиқиб Ўзбекистондаги барча Олий таълим муассасалари хориждан ўзларига ҳамкор топиш ва хорижий грантлар асосида ишлаш ва маблағ топиш ишларида фаол иштирок этмоқда.

Мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов Осиё мамлакатлари билан манфаатли, шу жумладан илмий-техникавий алоқаларининг кенг ривожланиб бораётганлигини назарда тутиб, “Бизнинг Шарқий ва Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатлари- Япония, Жанубий Корея, Хитой...ва бошқа мамлакатлар билан алоқаларимизнинг мустаҳкамланиб бораётганлигининг алоҳида қониқиш билан эътироф этишни истардим.” деган эди. [6]

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги илмий салоҳияти юқори мамлакат сифатида жаҳон мамлакатлари томонидан эътироф этилиши бежис эмас. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистоннинг илмий салоҳияти, инфраструктурасини 362 та академик ва 101 илмий тадқиқот институтлари, 67 та Олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот марказлари, 65 та лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, 32 та илмий ишлаб чиқариш ва тажриба корхоналари, 30 та ахборот ҳисоблаш марказлари ташкил этилган бўлиб,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00291

ҳозирги кунда Ўзбекистонда 46 минг киши илм-фан билан банд бўлиб, шундан 2,8 минг нафар фан докторлари, 16,1 минг нафарини фан номзодлари ташкил этади.

МУҲОКАМА

Ўзбекистон билан илмий, илмий - техникавий ҳамкорликни кучай-тиришдан манфаатдор давлатлар сони кўпайиб борар экан, бу - Ўзбекистон илмий салоҳиятининг ортиб бораётганлигидан далолат эди. Бундай ҳамкорлик Ўзбекистонда илм - фаннинг моддий - техника базасини мустаҳкамлашга, Ўзбекистон фанига чет эл инвестицияларининг кириб келиши эса уни янги техника ва технологиялар бўйича бойитишга имкон берди. 1993 йил 29 июлида Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон ўртасида имзоланган илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома сабаб, 1994 йил 5январда илмий-техник ҳамкорликка кўмаклашувчи Ўзбекистон – Ҳиндистон маркази фаолият бошлади ва бу марказнинг олдига илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ишларини ривожлантириш вазифаси қўйилди. [7]

Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатлари қишлоқ хўжалиги, медицина, экология, информатика, компьютер техникаси, қуёш энергетикаси, лазер технологияси ва бошқа бир қатор соҳаларда ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда. 1995 йилда Ҳиндистонда ўтказилган «Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги энг қадимги даврлардан шу кунгача бўлган тарихий ва маданий алоқалар» номли илмий семинарда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институтиниг икки нафар ходими иштирок этган бўлса, 1996 йилги илғор технологиялар бўйича бўлган Ўзбекистон-Ҳиндистон семинарда ҳар икки мамлакатдан 50 дан ортиқ илғор мутахассислар иштирок этди, мазкур семинарда қуёш энергиясидан фойдаланиш ускунлари масалалари муҳокама қилинди. [8]

Ўзбекистон Покистон Ислом Республикаси билан 1992 йил 27 июнда имзолаган маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, кадрлар тайёрлаш, туризм, спорт ва оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланган бўлса, 1995 йил 22 майда эса фан ва техника борасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси билан Ислом Конференциясининг Доимий қўмитаси ўртасида ўртасида Фан ва техника соҳасида ҳамкорлик ўрнатилди.(COMSTECH) 1996 йилда ЎзФА. Зоология институти ёввойи табиатни сақлаш фонди ва Покистоннинг Дрофи Джек

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00291

фондлари билан ҳамкорлик тўғрисида Меморандум тузди. Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ишлари самараси сифатида «Покистон Интернейшнл Эйрлайнз» ва «Эй-Би-Эм Дейта Системс (ПВ)ЛТД» фирмалари компьютер муҳандислиги, янги компьтер тизимларини ишлаб чиқариш ва сервис хизмати кўрсатиш борасида қатор ишлар бажарилди.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлатлар билан илмий алоқаларининг ривожланишида олий ўқув юртларининг ҳам муносиб ўрни бор, Масалан, Ўзбекистон миллий университети мустақилликнинг дасталабки кунларидан илм-фан соҳасида фаол ташқи алоқа олиб борди, биргина 1994 йилда 30 дан ортиқ хорижий давлатлар таълим муассасалари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик шартномалари тузилар. Университет университетлар Евроазия Ассоциацияси аъзоси бўлди. Университет Россия, Япония, Германия, Туркия, Исроил, Белгия экологик ассоциацияси,Россия Фанлар академияси, Белград, Стамбул университети ва Буюк Британиянинг Бирменгем университетлари билан илмий ҳамкорлик олиб борди. Биргина 2008 йилда Ўзбекистон Миллий университети хўжалик шартномаларидан 305 млн.сўм, чет эл грантлари ҳисобидан 327905 АҚШ доллари ҳажмида фойда кўрди. [9]

Самарқанд давлат университети Познан университети, Монреал университети, Франциянинг CIRAD ташкилоти, Италиянинг Неапол ва Болония университетлари,Қувайт ва Саудия Арабистоннинг Ал Асқар, Ал Машриқ университетлари, Фридрих Отто университети, Оксфорд университети, Вашингтон университети, Файзобод университети, Босул университети, Хитой ФАси амалий математика институти, Россия ФАси, Туркистон ФА,Тожикистон ФА илмий –тадқиқот институтлари билан илм фаннинг кўпгина тармоқларида ҳамкорлик қилди. 2000-2002 йилларда “Тинчлик корпуси”, АҚШ ахборот агентлиги, Айрекс каби ташкилотлар ҳомийлигида университетнинг илмий кутубхонасига 100 минг АҚШ доллари ҳажмида турли тиллардаги 20 мингдан ортиқ адабиётлар олинди

Фарғона политехника институтида ҳам халқаро илмий алоқалар олиб боришда жиддий ютуқларга эришилди. Фарғона политехника институти 1998 йилда атиги 10 та хорижий давлатлар илмий муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб борган бўлса, 2008 йилга келиб улар сони 25 тага етди. Булар орасида Россиянинг иқтисодиёт ва политехника соҳасидаги қатор олий ўқув юртлари,Украина Миллий техника университети, Белгиянинг Монс политехника институти ва Брюссель университети каби нуфузли илмий марказлар бор. [10]

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00291

Институт олимлари Республика Фан ва технологиялар Марказининг фундаментал ва давлат илмий-техника дастурлари асосида 2003 йилда 9 та мавзу 25,3 млн. сўм, 2004 йилда 7 та мавзуда 22,2 млн. сўмлик илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Хўжалик шартномалари бўйича 2003 йилда 24 та мавзуда 24 млн. сўмлик, 2004 йилда 26 мавзуда 27,2 млн. сўмлик илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишлари бажарилди. 2004 йилда жами 49,5 млн. сўмлик тадқиқотлар бажарилган. Бу институтда фаолият кўрсатаётган 1 нафар профессор-ўқитувчига ўртача 142857 сўмни ташкил қилди. [11]

Навоий давлат кончилик институти Tempus tasis дастурларининг 1999-2002 йилларга мўлжалланган, Европа Иттифоқи томонидан 467 минг евро миқдорида маблағ ажратилган “Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи олий ўқув юртларида масофадан ўқитиш” лойиҳасида Германия, Голландия, Дания университетлари ҳамда Тошкент Давлат техника университети хамкорликда иштирок этди. [12]

Тошкент молия институти профессор-ўқитувчилари эса Нью-Йорк университети, Германиянинг Касселъ, Буюк Британиянинг Нотингем университетлари,ЮНЕСКО, Жаҳон банкининг иқтисодий ривожланиш институти билан мунтазам алоқалар ўрнатиб, Tasis, Ayreks, Fulbrayt, Германия-нинг ДСЕ, ДААД дастурларида фаол иштирок этдилар. [13]

Фарғона Давлат университети ва БМТ Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўртасида 2000 йили шартнома тузилди. Шартномага биноан Фарғона Давлат университети БМТ нинг Тараққиёт дастурида иштирок этди. Лойиҳанинг биринчи босқичи 2000 йил август-сентябрда амалга оширилди. Университет ҳисобига 350 минг сўм маблағ ўтказилди. Шунингдек, Австралиянинг Меридес-Жонс компанияси, Япония, Буюк Британия ва Римлик олимлар билан жиддий илмий ҳамкорликни йўлга қўйдилар. [14]

Тошкент давлат техника университети олимлари Германиянинг Гамбург-Бундесвер ДААД Халқаро фонди ва Гамбург-Харбург техника университетлари билан илмий ҳамкорлик ўрнатди. EBSILON-2000 дастуридаги иштирокида топган маблағлари ёрдамида эса Тахиатош ИЭС ва Фарғона ИЭМ ни стандарт газ трубина қурилмалари билан кенгайтириш ва қайта қуриш имкониятларини таҳлил қилиш, Тахиатош иссиқлик электр станцияси ва Фарғона иссиқлик энергомарказли схемаларининг математик моделларини яратиш, “Тахиатош ИЭС”ни модернизация қилиш орқали унинг фойдали иш коэффициентини 54,3 фоизга ошириш мумкинлиги исботлашди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00291

Нукус педагогика институтида 2000-2002 йилларда давлат бюджетидан 3 та лойиҳа бўйича умумий нархи 6,3 млн. сўмлик илмий-тадқиқот ишлари бажарилди. 2003 йилда фан ва технологиялар маркази танлови ғолиби бўлган 8 та мавзу бўйича ҳар йилига 21 млн. сўмлик илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ушбу мавзуларнинг 7 таси 2003-2005 йилларга 7 таси ва 1 таси 2003-2007 йилларга мўлжалланган.Институт Евразия, ЮНЕСКО, НАТО, Япониянинг ЛСА ташкилоти ва INTAS дастурлари асосида 26666 экю ва 134944 АҚШ доллари миқдорида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Ушбу даврда Европа иттифоқи Tasis ва Tempus tasis дастурлари асосида фан ва таълимни ислоҳ этиш борасида ҳам жиддий ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонда Tasis дастури бўйича инсон ресурслари ривожланиши муаммоси ўрганилди. Бу бўйича 14 та дастур ишлаб чиқилди. Биргина “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш профилактикаси тизимини такомиллаш-тириш” дастури бўйича 1 млн. экю ажратилди ва бу мамлакатимиз фуқораларинг соғлигини сақлаш ишларини такомиллаштиришга сарфланди.

2001 йил 21 февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги илмий-техник ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳукуматлараро комиссиясининг йиғилишларида олиб борилган келишувлар натижасида, давлатлар ўзаро Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик ишларини жадаллик билан ривожлантирди. Ўзбекистон Эрон Ислом Республикаси билан Радиофизика, астрофизика, микробиология, биоорганик кимё, ўсимлк моддалари кимёси, агрокимё, вирусология, тупроқшунослик,атроф муҳитни мухофаза қилиш соҳаларида ҳамкорлик ишлари ривожлантирилди. [15]

Илмий-техникавий ҳамкорликлар ишлари натижаси сифатида 2002 йил 28 апрелда Самарқандда «Фарм Доктор Обидий» Ўзбекистон-Эрон қўшма кархонаси иш бошлади. Кархона 26 турдаги антибиотиклар ва ойига 1млн дона бир маратобалаик шприцлар ҳамда парфюмерия махсулотлари ишлаб чиқара бошлади ва 200 киши иш ўрни билан таъминланди. [16]

ХУЛОСА

Ўзбекистонннинг хорижий мамлакатлари билан илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш борасида амалга ошираётган ишлари Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат борасидаги ишларининг ажралмас бир бўлаги бўлиб ҳисобланади.Илмий-техникавий ҳамкорлик ишлари фанимиз ривожини жадаллаштиришга хизмат қилишда ва ҳозирги замон фанининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Илм-фан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00291

соҳасидаги эришилаётган жаҳон талабларига молик ютуқлар, кўплаб мамлакатлар олимларининг ҳамжиҳатликда ва ҳамкорликдаги меҳнатларининг натижасида вужудга келмоқда.

Ўзбекистон билан илмий, илмий-техникавий ҳамкорликни кучай-тиришдан манфаатдор давлатлар сони кўпайиб борар экан, бу - Ўзбекистон илмий салоҳиятининг ортиб бораётганлигидан далолат эди. Бундай ҳамкорлик Ўзбекистонда илм - фаннинг моддий - техника базасини мустаҳ- камлашга, Ўзбекистонга чет эл инвестицияларининг кириб келиши эса уни янги техника ва технологиялар бўйича бойитишга имкон берди. Ўзбек олимларининг хорижий давлатлардаги йирик нуфузли илмий анжуманларидаги иштироки, пировард натижада республика обрўсини оширишга шарт- шароитлар яратди.

Ўзбекистонннинг хорижий мамлакатлар билан илм-фан соҳасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун таклифлар:

- Ўзбекистоннинг илм ва илмий-техника соҳасида қўлга киритган ютуқларини хорижда кенг тарғиб этишнинг мукаммал механизми ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги нодавлат илмий марказлари билан илмий-техникавий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш;

- Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан илмий-техникавий ҳамкорлик дастурларида минтақавий муаммолар, айниқса, энергия ресурслари, демографик, экологик муаммоларни ҳал этиш, сувга бўлган эҳтиёжни қондириш каби ўзаро манфаатли келишувга эришиш;

- олий таълим тизимида барча институт ва университетларнинг илмий соҳадаги хорижий давлатлар билан ҳамкорлиги бир хиллигига эришиш.

REFERENCES

1. Нуриддинов Э. Международное сотрудничество Узбекистана со странами Европы в условиях независимости: становление, развитие проблемы. - Автореф. дисс. …докт. ист. наук. - Ташкент, 2000;
2. Қирғизбоев А.Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги.-Тошкент. «Фан» 2004.
3. Мишарев Д.Экономические, научно-технические и культурные связи независимого Узбекистана с Германией. - Автореф. дисс. …канд. ист.наук. - Ташкент, 2004;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00291

4. Васиева Д.И. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Университет таълиминиг шаклланиши ва ривожланиши: тажриба ва муаммолар (1991-2001 йй): Тарих фан.номз.дисс. ...автореф. – Тошкент, 2008 ва бошқалар.
5. Каримов И.А.. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б.24.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6.-Т.: 1998,234-бет
7. Халқ сўзи.1996 йил 15 август.
8. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси жорий архиви.- Б.1-3.
9. Ўзбекистон Миллий университети жорий архиви. 2004 йилги хисоботлар.- Б. 108.
10. Фарғона политехника институти жорий архиви. 2008 йилги ҳисоботлар.- Б.31-32.
11. Фарғона Политехника институти материаллари.-Фарғона.2005.- Б.49.
12. Гулистон, 2004, № 4- Б.5.
13. Туркистон, 2000, 18 ноябрь
14.Фарғона Давлат университети жорий архиви. 2004 йилги ҳисоботлар.- Б.20.
15. Гулистон. 2004. №6.- Б.18.
16. Халқ сўзи.2002 йил 30 апрель.